

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2013 йил 30 август • № 35 (952)



Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФАН ВА ТЕХНИКА, АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

“Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотларини таъсис этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 июлда қабул қилинган ПФ-3781-сонли фармони ва Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари кенгашининг 2013 йилги Давлат мукофотлари бўйича таклифига биноан мамлакатимиз илм-фани, адабиёти ва санъатини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий ҳаётида алоҳида эътиборга сазовор бўлган, халқаро миқёсда эътироф этилган фундаментал тадқиқотлари, замон талабларига жавоб берадиган юксак, мазмунан долзарб ижодий ишлари учун

Биринчи даражали Давлат мукофотлари куйидагиларга берилсин:

фан ва техника соҳасида:

– Зуфаров Миржамол Мирумарович, Абдумаджидов Хамидулла Амануллаевич, Абралов Хакимжон Қабулджанович, Бахритдинов Фазлитдин Шамситдинович, Назирова Людмила Алихановнага – “Юрак-қон томир касалликларининг диагностикаси ва даволашда замонавий услубларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш” амалий тадқиқоти учун;

адабиёт соҳаси бўйича:

– Сирожиддинов Шухрат Самариддиновичга – “Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили” фундаментал тадқиқоти учун;

санъат ва меъморчилик соҳаси бўйича:

– Қодиров Мухсин Халиловичга – “Ўзбек анъанавий театри” монографияси учун;

Фан ва техника соҳасида кўзда тутилган 1 та иккинчи даражали Давлат мукофоти ўрнига 2013 йил учун истисно тариқасида 2 та иккинчи даражали мукофот берилиши белгилансин.

Иккинчи даражали Давлат мукофотлари куйидагиларга берилсин:

фан ва техника соҳасида:

– Азизов Мирҳаким Жавҳарович, Ступина Надежда Владимировна, Ирисметов Муроджон Эргашевичга – “Йирик бўғимлар ортопедик патологиясини даволашнинг замонавий технологияларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш бўйича илмий ишлар мажмуи” амалий тадқиқоти учун;

– Дадамухамедов Суннатулло, Муминов Рамизулло Абдуллаевич, Собиров Хабибулло, Турсунов Мухаммад Нишанович, Юлдошев Исроил Абриевичга – “Кремнийли фотоайлантиргичлар асосидаги қуёш нурланишини бевосита электр энергияга айлантирувчи ҳозирги замон тизимлари ишланмасини яратиш ва уларни ишлаб чиқиш” амалий тадқиқоти учун;

санъат ва меъморчилик соҳаси бўйича:

– Изентаев Жоллибой Тангирбергеновичга (марҳум) – “Қорақалпоқ элим менинг” рангтасвир асарлар туркуми учун.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ислом КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2013 йил 22 август.



Травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти ходимларининг қувончлари чексиз. Мустақиллигимиз арафасида улар фан ва техника соҳасида Иккинчи даражали Давлат мукофотига сазовор бўлдилар. Бу албатта, уларнинг неча йиллар давомида машаққатли меҳнатлари ортидаги ютуқлари самарасидир.

САМАРАЛИ МЕҲНАТГА МУНОСИБ РАҒБАТ

Эътироф этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 23 августдаги Фармонларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий гоёни ривожлантириш, маънавиятимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш йўлида катта ҳисса қўшган, ёрқин истеъдоди ва ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати, ёшларни она-юртга муҳаббат, истиқлол гоёларига садоқат руҳида соғлом ва

баркамол этиб тарбиялаш ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки, шунингдек, иқтисодий кудратини оширишга, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга қўшган улкан ҳиссаси, меҳнатсеварлиги, ватанпарварлиги, жамоат ишларидаги фаоллиги билан умумхалқ иззат-хурматида сазовор бўлган бир гуруҳ юртдошларимизнинг давлатимиз юксак мукофотлари билан тақдирланганлиги ҳар биримизда фахр-ифтихор туйғусини уйғотди.

Албатта, ана шундай мукофотланганлар орасида тиббиёт ходимларининг борлиги ҳам қувонарли ҳолдир. Жумладан:

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими”

Максудова Зулфия Рўзиматовна – Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонаси “Шошилич кўз микрохирургияси ва жароҳати” бўлими мудири

Ҳакимов Исмоил Фаттоевич – Наманган вилояти, Косонсой тумани “Ободон” қишлоқ врачлик пункти мудири

“Эл-юрт хурмати” ордени билан

Бабаджанов Султон – Ҳазорасп тумани тиббиёт бирлашмаси шошилич тиббий ёрдам бўлими жарроҳи, Хоразм вилояти

Гафуров Бахтияр – Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг “Неврология” кафедраси мудири, Тошкент шаҳри

Кудратов Арипжан Норматович – Сирдарё вилояти кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази кардиоревматология бўлими мудири

Нарматов Эсан Ишанкулович – Фаллаорол тумани тиб-

биёт бирлашмаси шошилич тиббий ёрдам бўлими мудири, Жиззах вилояти

“Меҳнат шухрати” ордени билан

Болтаев Камол Жумаевич – Бухоро давлат тиббиёт институти кафедра мудири

Сафарова Шоира Холвна – Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази Қарши филиали артериал-гипертензия бўлими бошлиғи

Шоюсупов Наримон Рамизович – Тошкент шаҳар онкология диспансери бўлим мудири

(Давоми 2-бетда).

САМАРАЛИ МЕХНАТГА МУНОСИБ РАҒБАТ

Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ишига қўшган катта ҳиссаси ҳамда ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол гоёларига садоқат, соғлом турмуш тарзи тамойиллари руҳида тарбиялашдаги хизматлари учун куйидагилар мукофотландилар:

II даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан Зиёев Ориф Ҳакимович – Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Жиззах филиали болалар анестезиология-реаниматологияси бўлими мудири
(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳакимова Зулфия Хурма-товна – Тошкент вилояти, Зангиота туман тиббиёт бирлашмасига қарашли қишлоқ врачлик пункти мудири

Хусанова Гулчеҳра Суюновна – Самарқанд вилояти, Нуробод туман тиббиёт бирлашмаси шошилинч тез тиббий ёрдам бўлими катта ҳамшираси
Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ва ижтимоий ислохотлардаги фаол иштироки, самарали меҳнати, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ишига қўшган ҳиссаси учун куйидагилар мукофотландилар:

"Шухрат" медали билан Грачева Гозель Джораевна – Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги тиббиёт-санитария бирлашмасининг 1-терапия бўлими участка ҳамшираси

Жумаева Гуландом Розиковна – Навоий вилояти, Қизилтепа туман тиббиёт бирлашмасига қарашли қишлоқ врачлик пункти мудири

Жўраева Тожиҳон Раҳмоновна – Фарғона вилояти, Фурқат туман тиббиёт бирлашмасига қарашли қишлоқ врачлик пункти шифокори

Йўлдошева Раҳбарой Боқибековна – Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳар тиббиёт

бирлашмаси марказий шифохонаси ҳамшираси

Мўминов Хусанбой Нажмиддинович – Андижон вилояти, Олтинқул туман тиббиёт бирлашмаси марказий шифохонаси анестезиолог-реаниматологи

Палуанова Жупаргул Жанабаевна – Қорақалпоғистон Республикаси, Кегейли туман тиббиёт бирлашмаси терапия бўлими мудири

Рўзиқулов Шухрат Холматович – Сурхондарё вилояти,

Фурсатдан фойдаланиб, давлатимизнинг нуфузли мукофотларига сазовор бўлган тиббиёт ходимларини машаққатли меҳнатлари ортидаги улкан ютуқлари билан чин дилдан самимий қутлаб, муборакбод этамиз. Масъулиятли ва ша-рафли ишларида омадлар ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Термиз шаҳар болалар юқули касалликлар шифохонаси

реанимация бўлими бошлиғи

Рўзметов Ҳайитбой Отажонович – Хоразм вилояти, Хонқа туман тиббиёт бирлашмасига қарашли "Олтин соҳил" қишлоқ врачлик пункти мудири

Қодирова Саида Ниёзовна – Бухоро вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази реанимация бўлими ҳамшираси

Фахр

ДАВЛАТ МИҚЁСИДАГИ ЮКСАК ЭЪТИРОФ

Бундан 8-9 йил аввал бўлса керак, Травматология ва ортопедия илмий-текшириш институтига икки йигит 37-38 ёшлардаги онасини қўлтиқлаб кириб келди. Аёл оёғини боса олмас, ўғиллари унга суянчиқ бўлмаса, йиқилиб тушиши аниқ эди. Беморнинг кўзида нажот, юрагида умид. Унинг бу қўйга тушишига сабаб нима? Шифокорлар юз-кўзида акс этган савол аломатига аёлнинг ўғилларидан бири жавоб қайтарди:

– Тасодифан йиқилиб тушганига анча бўлди. Даволашни наф бермаяпти. Шу ерда мутахассис-врачлар бор дейишганига келавердик, ака.

– Бунга қанча вақт бўлди? – деб сўради мутахассис-шифокор Муроджон Ирисметов.

– 7-8 ой бўлиб қолди. Текширув жараёнида маълум бўлдики, аёлнинг чап бўкса бўғими сон суяги бошчасида емирилиш аломати бор. Агар бу ҳолатга жарроҳлик йўли билан нуқта қўйилмаса, бемор буткул тўшаққа миҳланиб, ногирон бўлиб қолиши ҳеч гап эмас.

– Опа, сиз кўрқманг, ҳаммаси яхши бўлади. Ҳозир бир соатда амалга ошириладиган операциялар қилинмоқда. Кўрмагандек бўлиб кетасиз. Рози бўлсангиз, сизни эртагаёқ операция қиламиз...

"Операция" деса кўпчиликнинг юраги зириллайди, гўёки бу ёруғ олам билан хайрлашадигандек кўрқувга тушади. Аёл ҳам рўйхушлик бермайдиганроқ оҳангда:

– Аввал даволаниб кўра қолай, балки яхши бўлиб кетарман! – деди.

Бу аёл каби юзлаб беморларни кўравериб, аниқ қарор қабул қила оладиган шифокорлар барибир унинг раъйига қарши бора олмадилар. Талабига кўра, ўн кунлик муолажа усулларини қўллаб кўришди. Ҳар ҳолда беморнинг аҳволи бироз ўнгангандек бўлди, аммо оғриқ ҳамон қийнаётгани кўриниб турарди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, ўша аёл оёғини операция қилдиришга рози бўлиб, шифокорлар ҳузурига келди. Бир соатнинг нари-берисига ўтказилган операция муваффақиятли якунланди. 14 кунлик муолажадан сўнг аёл 6 ой мобайнида реабилитация, яъни врачларнинг доимий кузатуви ва назорати остида бўлди. Ҳозир у соппа-соғ, қўлтиқтасиз, ҳеч қандай нуқсонсиз юради.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфида-

ги Травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти шифокорларининг кундалик фаолиятида бундай воқеалар жуда кўп кузатилади. Инсон танасида таянч вазифани ўтайдиган суяк-бўғим тизимида турли тасодифлар туфайли тузатиш қийин бўлган муаммолар юзага келганида, травматолог-ортопедлар бемор жонига оро кирадилар. Ушбу даргоҳда кўп йиллар давомида тажриба тўпланиб, йирик даволаш муассасасига айлангани нафақат мамлакатимизда, балки хорижий давлатларда ҳам тан олинмоқда.

Ўзбекистон Мустақиллигининг 22 йиллик байрами арафасида институт тадқиқотчилари томонидан амалиётга кенг жорий қилинган йирик лойиҳа – "Йирик бўғимлар ортопедик патологиясини даволашнинг технологияларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш бўйича амалий ишлар мажмуи" тиббиёт соҳасидаги иккинчи даражали давлат мукофотига лойиҳа, деб топилди. Давлат миқёсидаги юксак эътироф замирида жамоанинг кўп йиллик меҳнати маҳсули мужассам аслида.

Катта ёшларда учрайдиган йирик бўғимлар ортопедик касалликлари тиббий йўналишдаги йирик муаммо бўлиб, умумий касалланиш ва ногиронлик тизимида етакчи ўринни эгаллайди. Жаҳон тиббиётида йирик бўғимлар ортопедик касалликларини даволашда эндопротезлаш ва каминвазив-артроскопик операцияга мурожаат қилинади. Ана шу тажрибани Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимида қўллаш, шубҳасиз йирик бўғимларнинг турли касалликларидан азият чекаётган кишилар ҳаёт тарзини ўзгартириб, уларга қувонч бахш этмоқда.

– Институтимизда чаноқсон ва тизза бўғимини эндопротезлаш, елка, тизза ва болдир-ошиқ бўғими артроскопияси бўйича ҳам мураккаб, ҳам замонавий операциялар ўтказилмоқда, – дейди лойиҳа раҳбари, тиббиёт



фанлари доктори, профессор Мирҳаким Азизов. – Эндопротезлаш бўйича 3000 дан ортиқ, 5000 дан ортиқ артроскопик операция ўтказилди. Эндопротезлаш ва артроскопияда замонавий чет эл технологияларидан фойдаланяпмиз. Чаноқсон бўғими дисплазиясида, сон суягининг бошчаси туғма чиқишида, тизза бўғими оғир деформацияларида эндопротезлашнинг ижобий натижа берадиган усуллари жорий қилинмоқда. Елка, тирсак, болдир-ошиқ бўғими касалликларидан ҳам шу усул қўлланяпти. Албатта, йирик бўғимлар ортопедик патологиясига учраган бемор тақдирини ижобий томонга ўзгартириш осон иш эмас. Жуда мураккаб тузилишга эга бўлган инсон организмидеги йирик бўғимлар жарроҳлигида Германиядан келтирилган эндоскопик ускунадан фойдаланмоқдамиз. Унинг қулайлиги шундаки, оғриқ кечаётган бўғим ичига кичкина ёриқ орқали кирилади, нуқсон тўғриланади. Айрим жарроҳлик ишлари 3-4 соат давом этса, 1 соатга етмасдан тугайдиган операциялар ҳам қилинади. Албатта, операция жараёни ниҳоясига етказилгач, ҳар бир бемор учун реабилитация даврини тўғри ташкил этиш, уни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш оила аъзолари гарданида эканини

инobatга олиб, унинг яқинларига ўз тавсияларимизни берамиз. Вақти-вақти билан кўригимиздан ўтиб турган минглаб беморлар меъёрий ҳаёт тарзига қайтишиб, ўз иш фаолиятини давом эттиришмоқда.

Инсонга наф келтириш, унга қувонч бахш этиш, узоқ йиллик азоб-уқубатини енгиллаштиришнинг савоби ўзгача. Операциядан енгил тортиб чиққан шифокорга бемор табассумини кўриш ёки унинг миннатдорлигини тинглашдан юқори турувчи ҳолат бўлмаса керак. Институт шифокорлари қўлида даволанган беморлар сўзини тингласангиз, айнан шу ҳолат кўз ўнгингиздан ўтади.

– Қизчам Мафтуна туғилган илк кунларда поликлиника врачлари уни доимий равишда ортопед кўригига олиб боришимиз кераклигини, унда дисплазия аломати борлигини айтишган эди. Аммо биз бунга эътибор қилмадик. Қизим улгайиб, турмушга чиқди, ҳомиладор бўлди. Йиллар мобайнида ҳеч қандай аломатини намоён қилмаган дард унинг кейинчалик оқсоқлиб юришига ва бошқа касалликларга чалиниши учун имкон туғдирганидан афсусдамиз. Шунинг учун институт шифокорларига келиб мурожаат қилдик, албатта, улар қизимнинг соғлигидаги муаммони бартараф этишидан умидвормиз, – дейди Қарши туманида яшовчи Меҳрибон Саматова.

– Кўп йиллардан бери тизза бўғими оғригидан қийналардим. Эҳтиётсизлик билан ташланган қадам ҳам менга азоб берар, ҳаттоки ўқувчилик йилларимда ўзлаштиришдан орқада қолар, иш жараёнида эса кўпинча касаллик варақаси олишга мажбур эдим. Яқинларимнинг маслаҳати билан Травматология ва ортопедия институтига келиб, артроскопик операция қилдирдим. Аҳволим яхши, менга нажот ва умид бағишлаган шифокорлардан бир умр мамнунман, – дейди Ангрен шаҳрида истиқомат қилувчи 27 ёшдаги Евгения Перепелкина.

Йилдан-йилга ўсиш ва ривожланиш, тўхтаб қолиш йўқ, қўлга киритилган ютуқлар билан қифояланиш эмас, балки янгиларига эришиш, ўзгалардан кўпроқ ўрганиш керак. Бу институт раҳбарияти томонидан барча шифокорлар олдида қўйилган ягона талабдир. Шунинг учун ҳам даволаш жараёни йилдан-йилга такомиллашиб, кўплаб ютуқлар қайд қилинмоқда. Мениск кисталарида, тиззақопқоғи ностабиллигида, остеохондропатия ва синовит касалликларидан, елканинг оддий чиқиши, айлантурувчи манжетанинг узилиши ва елка-курак периартритида янги

(Давоми 3-бетда).

Фахр

ДАВЛАТ МИҚЁСИДАГИ ЮКСАК ЭЪТИРОФ

малоинвазив артроскопик операцияга қўл урилиши натижасида кўплаб беморларга қувонч бахш этиляпти. Бу усулларни қўллаш асорат хавфини камайтириб, беморнинг функционал ҳолатини яхшилаш имконини бермоқда. Қўлга киритилган ютуқлар учун 11 та патент берилгани ана шунинг исботидир.

– **Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган дастлабки йилларда бундай операцияларни амалга оширишда иккиланиш ва ҳадиксираш бўлган. Ҳафтасига бор-йўғи 24-25 та операция қилинарди. Яширишининг нима ҳожаги бор, айрим кишилар Москвага бориб, фалон пулга оёққўли ёки белини операция қилдириб келган. Ҳозирги вақтга келиб, 120-130 та операция амалга ошириляпти. Бу мисли кўрилмаган натижага ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Хорижий давлатлар – Испания, Беларусь, Украина, Германия, Польшада бўлиб қайтган тажрибали мутахассисларимиз даволашнинг замонавий, тезкор, асоратсиз усулларини ўрганиб келиб, ўзимизда татбиқ этишга киришяптилар. Жорий йилнинг ўзига 50 киши хорижий давлатларнинг травматология ва ортопедия илмий-амалий**

(Давоми. Боши 2-бетда).

марказларида малака ошириб келишга муваффақ бўлди. Октябр ойида яна икки кишининг Ҳиндистонга хизмат сафари режалаштирилган, – дейди институтнинг спорт жароҳатлари бўлими бошлиғи, тиббиёт фанлари номзоди Муроджон Ирисметов.

Дунёнинг ривожланган давлатларига чиқиш халқаро доирадаги эътироф учун ҳам имкон яратади. Юқорида таъкидлаганимиздек, Травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти шифокорларининг хорижий давлатларга чиқиб келиши тўғрисида бу даргоҳда даволашнинг самарали усуллари кенг йўл очилди ва бу ютуқлар халқаро доирада эътироф этилмоқда.

А. БЕЛЕЦКИЙ,

Беларусь Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги бош травматолог-ортопеди:

– Ўзбекистонда илк бор татбиқ қилинган йирик бўғимлар ортопедик патологияси билан боғлиқ операциялар беморнинг стационар шароитида даволаниш муддатини камайтиради. Қисқа муддат ичида мутахассис-шифокорлар томонидан ўзлаштирилган тажриба мамлакатингизда даволаш жараёнини жаҳон стандартлари даражасига келтирди. Биз лойиҳа муаллифлари Мирҳаким Азизов, Муроджон Ирисметов, Надежда Ступинани бу ютуғи билан табриклаймиз.



Ф. КАФАРОВ, Озарбайжон Республикаси травматолог ва ортопедлар ассоциацияси президенти:

– Профессор Мирҳаким Азизов раҳбарлигида амалга оширилган йирик лойиҳанинг натижаси бизни ҳам хурсанд қилди. Институт олимларининг ўз илмий-

амалий фаолиятдан ташқари республикадаги бошқа ортопедия клиникаларига услубий-амалий ёрдам кўрсатаётгани қувонарлидир. Лойиҳа муаллифлари нафақат Ўзбекистонда, балки дунё миқёсида тиббиёт фани ривожига ҳисса қўшишларига ишонамиз.

Фанни чексиз уммонга, ундан янгилик изловчи олимни говвосга қиёслайдилар. Ҳаққоний қиёс. Инсоннинг умрига умр кўшиш, унинг мушкулени енгиллаштириш, ҳаётига мазмун бағишлаш шифокор учун шараф, касбий бурч ва масъулиятдир. Буни Травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти шифокорлари фаолияти билан танишган киши янада чуқурроқ ҳис қилади.

Хулқар КУЗМЕТОВА.
Суратлар муаллифи Ибодат СОАТОВА.

Дил изҳори САМИМИЙ ВА МЕҲРИБОН

Биз Тошкент вилоятининг Оққўрғон тумани марказида истиқомат қиламиз. Иссиқ жонимизда иситма бўлса, туман марказий поликлиникаси шифокорлари қабулига шошиламиз. Бу ерда беморни илиқ ва самимий қарши олиб, унинг дарду ҳасратини жон қўлоғи билан тинглайдиган врач ва ҳамширалар меҳнат қилишади. Ана шундай шифокорлардан бири кардиолог Гулчехра Жабборовадир.

Ўзидан нур ёғилиб турадиган бу аёл ҳамisha ўз хизмат постида сергак. Қабулига илинж билан кирадиган бемор дардига малҳам бўлишни истоган Гулчехра Жабборова уни хайрихоҳлик билан тинглайди. Юрак шундай аъзоки, унда бирор касаллик бўлса, фавқулодда вазият рўй бериб, инсон ҳаёти таҳликада қолиши мумкин. Гулчехранинг қабулида бўлган бемор юраги касалланганини унутиб чиқади. Чунки бу шифокорнинг ҳар бир сўзидан бол ёғилади. Зарурий дори-дармонларни вақтида ичиш кераклигини бирма-бир тушунтиради. Шунингдек, очиқ хавода кўпроқ сайр қилиш, ўз вақтида овқатланиш, доимий ҳаракатда бўлиш кераклигини уқтиради. Ҳатто, хайрлашар чоғимизда телефон рақамини ёзиб беради. “Зарурат бўлса, тортинмасдан телефон қилаверинг, ёрдам беришга тайёрман!” дейди жиламайиб.

Бундай шифокорларнинг борлиги бемор учун катта имконият. Биз тиббий йўл-йўриқлари, муомала маданияти билан беморлар дардига малҳам бўлиб келаётган Гулчехра Жабборовадан бир умр миннатдоримиз.

Умидой АДЕНОВА,
Оққўрғон тумани.

31 август – Қатагон қурбонларини ёд этиш куни

АЖДОДЛАРГА ҲУРМАТ ВА ЭҲТИРОМ

Мустақиллик – олий неъмат, олий саодат йўлида неча жонлар шаҳид кетганлигини, эзгу орзу илинжида озодлик, хурлик шамолини асрлар оша кутган қахрамон авлодларимизни бугун кўзда ёш, ёрқин хотиралар ила ёд этажамиз. Дарҳақиқат, Ватан тинчлиги, юрт фаровонлиги учун жон фидо этган, керак бўлса оиласи, ширин ҳаётидан воз кечиб, халқ юрагидан вулқон каби отилиб чиққан, мустақиллик шаъни-қудратини сўнгги нафаси қолгунча курашиб енгган қатагон қурбонлари Беҳбудий, Қодирий, Чўлпонлару Фитратлар ёди ҳамон тарих саҳифаларида ўчмас муҳр бўлиб келмоқда.

Бугун Мустақилликнинг 22 йиллиги. Бу нашида эса ҳаммамизники. Мардларча қурбон бўлган қахрамон фарзандларимиз хоки пойини муқаддас тутиш учун барпо этилган шаҳидлар хиёбони гўё тарих зарваракларини қайта тиклаб, авлодлар руҳини зиёрат қилишдек бахтга барчамизни муясар этади.

Давлатимиз раҳбарининг шаҳидлар хотирасини қадрлаш ва эъзозлаш йўлидаги эзгу ишлари авлодларга ибрат бўлиб, барчамизни меҳр-муруватли ва ўтган аждодларимиз олдида ҳурмат-эҳтиромли бўлишга ундайди. Эркинлик ва озодликни азалий орзу деб билган азиз юртдошларимизнинг табаррук хоки пойлари эъзозланган «Шаҳидлар хиёбони» ёдгорлик мажмуи ва «Қатагон қурбонлари хотира-

си» музейи бугун пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонлар билан гавжум. Сўлим хиёбон ва ўтмиш билан бугунимизни боғлаб турувчи кўприк, шарқироқ зилол сув бизга тарих ҳақиқатларини бот-бот эслатиб туради. Айниқас, музей экспонатларидан жой олган тарихий далиллар, фотолавҳалар ва қатагон қурбонларига оид ҳужжатлар эътиборингизни ўзига тортиб, ўтган давр воқеаларини кўз олдингизда гавдалантиради. Тарих – бу ҳақиқат, ўтмиш ва эртанги келажак. Шундай экан, босиб ўтилган синовли ва машаққатли йўл, аждодларимизнинг енгилмас жасорати ва букилмас иродаси тўғрисида бугун ана шундай бахтиёр кунларга эришиб турибмиз. Истиклол нашидаси ҳар бир фуқаро қалбидан чуқур жой олиб, эртанги кунга бўлган умид ва ишонч туйғуларини қайта уй-



ғотиб юборади.

Зеро, Президентимиз: «Барчамизнинг тақдиримизга дахлдор бўлган тарихий адолатни тиклаш, халқимиз ва миллатимизнинг яқин ўтмишидаги ҳалиҳануз сир бўлиб келаётган ёпиқ саҳифаларини тўла очиб бериш, шу тарихдан сабоқ чиқариб, бугунги ва келажак ҳаётимизга онгли қарашни шакллантиришда мана шу ёдгорлик ва амалга ошираётган эзгу ишларимизнинг алоҳида ўрин тутиши шубҳасиз», деганларида айни ҳақиқатни баён этган бўлсалар, ажаб эмас.

Намоз ТОЛИПОВ.

Асл фарзандларнинг ардоқда номи

Тарихни варақлаб беором тунлар,
Қалбим қатларини бир алам тирнар.
Ёдга тушиб машъум қатагон кунлар,
Кўксимдаги дардли армонлар инграр.

Маънавият мулкин қилди вайронлар,
Зиёли овланди мисли жайронлар.
Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпонлар,
Ёзигим не эди дея хайронлар.

Боту, Усмон Носир эссиз ёш эди,
Ватан қайғусида кўзда ёш эди.
Олис маконларда шаҳид бўлдилар,
Қабри узра чечак маъюс бош эди.

У қаро кунлар ҳеч ортга қайтмасин,
Жаҳолатнинг тонги зинҳор отмасин.
Халқимнинг қуёши яна ботмасин,
Виждонлар бир умр азоб тортмасин.

Шафқатсиз шамоллар елмасин энди,
Боғимнинг гуллари сўлмасин энди.
Диллар озорларга тўлмасин энди,
Ватанимни Оллоҳ қўлласин энди.

Бугун юртим узра гўёки баҳор,
Кўзни қувонтириб барқ уриб ушнар.
Офтоб ҳам ботолмай маҳлиё боқар,
Бундай гўзал бўстон айтинг қайда бор.

Асл фарзандларнинг ардоқда номи,
Тупроғи тўтиё, баландир шони.
Авлод томирида буюклар қони,
Довруғин таратар Ўзбекистонни.

Нуриддин РАҲМОНОВ,
Андижон вилояти.



ЎЗАРО ТАЖРИБА ФАОЛИЯТДАГИ САМАРАДОРЛИК МЕЗОНИ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда "Саломатлик-1, 2" лойиҳалари ҳамкорлигидаги фаолиятлар бугунга келиб, ўз натижаларини бераётгани боис, тизимда бирламчи бўлган йўналишидаги ишлар янада такомиллашди. Жумладан, мазкур тизим йўналишида қишлоқ врачлик пунктларининг замон талаблари даражасида қад ростлагани, соҳа мутахассислари умумий амалиёт шифокори макomini олгани, қолаверса, муассасанинг янги технологиялар билан таъминлангани ишлар самарадорлиги гарови бўлаётгани

Жумладан, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли кўп тармоқли марказий ҳамда оилавий поликлиникалардаги фаолиятлар билан мукамал танишиш мақсадида республика вилоятлари кесимида Сурхондарё, Тошкент ва Самарқанд вилоят (шаҳар) соғлиқни сақлаш башқармаларига қарашли тиббиёт муассасаларидаги

Лола САИДЖАНОВА,
"Саломатлик-3" лойиҳасини амалга ошириш бюросининг Тошкент шаҳри бўйича директори:

– Ҳақиқатдан ҳам, кейинги йилларда ислохотлар жараёнининг босқичма-босқич амалга оширилиши тизимдаги фаолиятларнинг янада такомиллашувига олиб келмоқда. Айниқса, бирламчи тизимга қаратилган эътибор биринчи навбатда касаллик-

бежиз эмас. Эндиликда "Саломатлик-3" лойиҳасининг асосий мақсади туман тиббиёт бирлашмалари ва кўп тармоқли марказий ҳамда оилавий поликлиникаларни замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, шунингдек тиббиёт ходимларини лойиҳа доирасида ўқитишдан иборатдир. Айни кунда ана шундай жараёнлар қизғинлик билан олиб борилмоқда. Шу ўринда таъкидлашимиз муҳимки, лойиҳа доирасида юқорида тилга олинган тиббиёт муассасаларида фаолият юритаётган соҳа мутахассисларининг тажриба алмашуви йўлга қўйилди.

билан яқиндан танишиш мақсадида шаҳар ва вилоятлар тиббиёт муассасаларидан мутахассислар келиб, Инвестиция дастури асосида амалга оширилаётган ишлар ҳамда умумий амалиёт шифокорлари ва патронаж ҳамширалар фаолиятини ўрганиш билан бир қаторда, мазкур шифо масканларида меъёрий ҳужжатларни тўғри юритишда нималарга эътибор қаратиш муҳимлигини кўздан кечириб, зарурий маъ-



фир ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Гулноза ҲОЖИМЕТОВА,
Самарқанд вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси амбулатор-поликлиника хизмати бўйича бош мутахассис:

– Юқорида келтирилган тиббиёт муассасаларида бўлганимизда фаолиятимиз учун му-

бирга, бирламчи тизимдаги фаолиятларни янада ривожлантиради.

Бахтиёр БАЙХАНОВ,
Самарқанд шаҳар 5-оилавий поликлиника бош врач:

– Ўзаро тажриба алмашув чоғида Яккасарой ва Учтепа туман тиббиёт бирлашмаларининг оилавий поликлиники-



мутахассисларнинг ташрифи ташкиллаштирилди. Яқинда Самарқанд шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли кўп тармоқли марказий ҳамда оилавий поликлиникалар шифокорлари пойтахтимизнинг Яккасарой туман тиббиёт бирлашмасига қарашли 60-, 57-, 59- ҳамда Учтепа туман тиббиёт бирлашмаси тасарруфидаги 23-оилавий поликлиника ва Учтепа туман тиббиёт бирлашмаси "Ўрикзор" филиали кўп тармоқли марказий поликлиникасида бўлиб, у ердаги Инвестиция дастурлари асосида қад кўтарилган замонавий шифо масканлари, шунингдек уларнинг фаолиятлари билан танишдилар.

ларнинг олдини олишда ва аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатишда асосий омил бўлиб хизмат қилаётганлиги сир эмас. Албатта, шу ўринда таъкидлаш лозимки, бирламчи тизимдаги ютуқларда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда "Саломатлик" лойиҳасининг ҳамкорлиги муҳим роль ўйнамоқда. "Саломатлик-3" лойиҳасининг иш бошлагани ҳам республикада мавжуд туман тиббиёт бирлашмалари тасарруфидаги айрим бўлимлар, туман кўп тармоқли марказий ҳамда оилавий поликлиникаларни жиҳозлар билан таъминлаш, шунингдек, мутахассислар касб малакасини оширишда қўл келаётгани ҳалқимизга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати самарадорлигини яхшиламоқда. Пойтахтимиздаги оилавий ва кўп тармоқли марказий поликлиникалар фаолияти



лумотларга эга бўлмоқдалар. Самарқанд шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли 1-, 4-, 5-, 6-, 7-оилавий поликлиникалар ва Самарқанд вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасидан амбулатор-поликлиника хизмати бўйича келган мутахассислар Яккасарой тумани 60-, 57-, 59- оилавий поликлиникалари, Учтепа туман 23-оилавий поликлиника, Учтепа туман тиббиёт бирлашмаси тасарруфидаги "Ўрикзор" филиали кўп тармоқли марказий поликлиникаларда бўлиб, аввало кундалик ишлар, шифо масканининг жойлашуви ва замон талабларига жавоб бера олиши, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат кўрсаткичларига кўпроқ эътибор қаратишди. Ўзаро тажриба алмашув жараёнида олинган кўникмалар якуни бўйича мутахассислар ўз



хим маълумотлар олдик. Айниқса, Учтепа туманидаги 23-оилавий поликлиниканинг замон талаблари даражасидаги ички ва ташқи кўриниши ҳамда умумий амалиёт шифокорлари, патронаж ҳамшираларининг фаолиятдаги ўрни, меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш тўғри йўлга қўйилгани барча мутахассислар иш тажрибасини бойитди десам, муболаға бўлмайди. Нафақат мазкур поликлиника, балки қолганларида ҳам намунали хизмат йўлга қўйилган. Ана шундай ўзаро тажриба алмашувлар ташкил этилгани мутахассислар билим даражасини ошириш билан

каларида бўлганимда, фаолиятдаги оилавий поликлиника учун зарур тавсия ва маслаҳатларни олдим. Эътиборлиси шундаки, ҳар бир муассасада ишлар тўғри йўлга қўйилгани, мутахассислардаги касб малакаси юқорилиги, ҳудуддаги аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати яхшиланганига уларнинг иш жараёнида гувоҳ бўлдик. Бундай тажриба алмашувлар лойиҳада кўзланган мақсадларнинг асосий мезони экан, ўйлайманки, келгусида ушбу учрашувлар вилоятлар миқёсида кенг татбиқ қилинса фойдадан ҳоли бўлмас эди.

Хулоса ўрнида айтиш муҳимки, тиббиёт бир лаҳза тўхтамайди, қолаверса доимий изланишда бўладиган соҳаки, шу сабаб, ҳар бир тиббиёт ходими ўз устида мукамал ишлай олиши, шунингдек, ҳамжиҳатликда фаолият юритиши давр талабидир.



ВЛИЯНИЕ ИЗМЕНЕНИЯ КЛИМАТА НА ЗДОРОВЬЕ НАСЕЛЕНИЯ

Изменение климата представляет значительную угрозу для здоровья населения, особенно среди лиц уязвимой группы. Глобальное потепление имеет деструктивные последствия для некоторых важнейших базовых условий здоровья: воды, воздушной среды и пищевых продуктов. Научные данные о влиянии газов, которые образуются в результате человеческой деятельности и создают парниковый эффект в атмосфере и влияют на здоровье людей, привели к необходимости принятия серьезных безотлагательных мер в защиту здоровья населения от изменения климата. Согласно прогнозу ученых, степень и сила неблагоприятного воздействия в дальнейшем будет увеличиваться. Изменения климата – в частности изменчивость погоды, неблагоприятно сказываются особенно на больных с сердечно-сосудистыми, бронхолегочными и инфекционными заболеваниями.

За последние 100 лет средняя температура воздуха Земли поднялась почти на полградуса, количество атмосферных осадков увеличилось на 10-15%. В течение последних 10-15 лет климат на планете отличается явной неустойчивостью: значительно возросло количество стихийных бедствий, таких как цунами, землетрясения, ураганы, торнадо, наводнения, штормы, сели, сход лавин, лесные пожары и тайфуны, а во многих регионах отмечается многократная перемена погоды в течение одних суток.

В 1992 году мировым сообществом была принята и подписана Рамочная конвенция Организации Объединенных Наций об изменении климата, ставшая первым международным соглашением, направленным на борьбу с глобальным потеплением и его последствиями.

В 1997 году на встрече в Киото, посвященной глобальному изменению климата, делегатами более чем из 160-ти стран мира была принята Конвенция и подписан Киотский протокол, который призывает индустриально развитые страны сократить выбросы парниковых газов. Конференция ООН по вопросам устойчивого развития в Рио-де-Жанейро (Рио+20 2012 г.) открыла возможности для того, чтобы человечество не только признало существование неразрывных связей между здоровьем людей и устойчивым развитием, но и могло извлекать пользу из таких связей.

Всемирная организация здравоохранения выступает партнером Программы развития ООН в проекте по управлению подходами к защите здоровья в условиях изменения климата. Проект проводится в семи странах мира, включая Республику Узбекистан. С целью организации ответных мер на последствия изменения климата в 1993 году Республикой Узбекистан была подписана Рамочная конвенция ООН, а в ноябре 1998 года был подписан Киотский протокол, ратифицированный Олий Мажлисом. Республика Узбекистан в свою очередь определила основные приоритеты Национальной стратегии адаптации системы общественного здравоохранения к изменению климата, направленные на смягчение влияния изменения климата на здоровье и адаптацию системы здравоохранения в Узбекистане.

Климат Узбекистана – субтропический, резко континентальный. В республике выделяются такие климатические зоны, как пустыни, степи, предгорья и горы. На территории Узбекистана средняя годовая температура воздуха за последние 100 лет увеличилась более чем на полтора градуса, а с конца 90-х годов отмечается увеличение числа и интенсивности неблагоприятных гидрометеорологических явлений, таких как очень жаркие дни, засуха, наводнения, оползни, сели, паводки, прорывы высокогорных озер, сильные осадки, резкие оттепели и заморозки, снежные лавины. Для жизнедеятельности человека наиболее оптимальными являются климатические условия при температуре воздуха от 17 до 31°C, влажности от 40 до 60%, скорости движения воздуха до 0,6 м/с и атмосферным давлением 760 мм рт.ст.

В рамках пилотного проекта ВОЗ и ПРООН в Узбекистане «Адаптация системы здравоохранения к изменению климата», финансируемого Глобальным экологическим фондом (ГЭФ), разработана и внедрена Система раннего оповещения о риске заболеваний, чувствительных к изменению климата. Руководителями таких учреждений, как Министерство здравоохранения, Центр гидрометеорологической службы при КМ РУз и Государственный Комитет РУз по охране природы, был подписан Меморандум, согласно которому прогнозируемое изменение климата будет оповещаться населению через учреждения этих ведомств. Так, в системе здравоохранения информация об изменении климата из Министерства здравоохранения будет передана в областные управления здравоохранения, от них – в районные медицинские объединения. Далее информация будет передана в семейные поликлиники и сельские врачебные пункты, медицинский персонал которых оповестит закрепленное население. Кроме того, создан сайт meteomed.uz для обмена информацией и ее доступности со встроенной базой данных и расчетным блоком. На сайте будут размещаться данные о прогнозе погоды, общедоступный медицинский прогноз о риске заболеваемости и смертности на основе анализа расчетной информации, информация для медицинского персонала и населения.

В рамках пилотного проекта ВОЗ и ПРООН в Узбекистане «Адаптация системы здравоохра-

нения к изменению климата», финансируемого Глобальным экологическим фондом (ГЭФ), сотрудниками НИИ СГПЗ МЗ РУз в 2011 году был проведен опрос населения Ташкентской и Сырдарьинской областей (4000 человек) в возрасте 15-86 лет.

